



O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor shaharchasi
Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200 Янгибозор шаҳарчаси, Тел: 41-94-255

2020 йил «19» май

№ 940

Янгибозор тумани

Бошқирших қишлоғи “Юқори-Бошқир” маҳалласида жойлашган “Нодирбек Нурбек Жўрабек” фермер хўжалигига узок муддатли ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, Бошқирших қишлоғи “Юқори-Бошқир” маҳалласида жойлашган “Нодирбек Нурбек Жўрабек” фермер хўжалиги раҳбари Искандарова Насиба Тулибаевнанинг беданачилик йўналишида фермер хўжалигига узок муддатли ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси хулосасига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор тумани Бошқирших қишлоғи “Юқори-Бошқир” маҳалласида жойлашган “Нодирбек Нурбек Жўрабек” фермер хўжалиги раҳбари Искандарова Насиба Тулибаевнанинг беданачилик йўналишида фермер хўжалигига узок муддатли ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси талаби қаноатлантирилсин.

2. Бошқирших қишлоғи “Юқори-Бошқир” маҳалласида жойлашган “Нодирбек Нурбек Жўрабек” фермер хўжалигига Бошқирших қишлоғининг туман ҳокими заҳираси ҳисобидаги № 259-контурида жойлашган умумий ер майдони 3,6 гектар, шундан сугориладиган экин ери 3,6 гектардан иборат ер участкасини беданачилик йўналишида ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.

3. Бошқирших қишлоғи “Юқори-Бошқир” маҳалласида жойлашган “Нодирбек Нурбек Жўрабек” фермер хўжалигига ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари **Н.Искандарова** ўртасида тузиладиган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. “Нодирбек Нурбек Жўрабек” фермер хўжалиги раҳбарига:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;
- туман Статистика ва Солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;
- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали
қилиниш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-
ларни кўриш вазифаси юклансин.

5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман
солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз
отларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини
чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман

Туман ҳоқими



Handwritten signature of U. Kurbanov

Ў.Курбанов